


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

2022



Nocturne No. 20 in C Sharp Minor, Op. posth

Frédéric François Chopin

Vincen



FRIDERIK SHOPEN

(1810-1849)

NOYABR

№ 46



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00



www.taqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
1-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-1**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-1**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 46-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 24 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Анвар Яшнабекович ЯШНАРБЕКОВ ЮРИДИК-ТЕХНИК НОРМАЛАР ТУШУНЧАСИ, МОҲИАТИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ	7
2. Базарова Дилдора Бахадировна ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИ- НИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАР.....	12
3. Х.М. Камилов, М.Х. Каримова, Д.К. Махкамова, Ё.М. Тураева КЛАССИФИКАЦИОННЫЕ КРИТЕРИИ КРАНИООРБИТАЛЬНЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ.....	16
4. Юсупов Нодирбек Омонович МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИҚДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИ ТУШУНЧАСИ	17
5. Маматкулов Камолиддин Галабаевич, Абдурасулов Мухаммадқодир, Рўзиев Мавлонбек Дурбек ўғли ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШДА АДВОКАТ ИШТИРОКИ.....	19
6. Зиядуллаев Махмуджон Джуракулович ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТГА ОИД МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР	22



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ЮРИДИК-ТЕХНИК НОРМАЛАР ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Анвар Яшнарьбекович ЯШНАРБЕКОВ

мустақил изланувчи

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

anvar7110@mail.ru

Аннотация

Мақолада ҳуқуқий тизим, ҳуқуқ нормалари ҳамда юридик-техник нормаларнинг тушунчаси ва ҳуқуқий табиати тўғрисида илмий таҳлил қилинган.

Шунингдек, мақолада мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг етук ҳуқуқшунос олимлари томонидан юридик-техник нормаларнинг тушунчаси ва ҳуқуқий табиати тўғрисида берилган фикрлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳолда очиб берилган.

***Калит сўзлар:** ҳуқуқий тизим, ҳуқуқ нормаси, юридик-техник норма, техник-юридик норма, техник нормалар, йўриқномалар, қўлланмалар, техник стандартлар, қоидалар.*

Юридик-техник нормалар тушунчаси ва ҳуқуқий табиати

Маълумки, инсоният тараққиёти, айниқса илм-фан, техника соҳасидаги юксалишлар жамиятдаги ижтимоий муносабатларга бевосита таъсир кўрсатади. Инсон кундалик ҳаёти давомида турли ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида атроф-муҳитда, жамиятда кечаётган ўзгаришларга тўқнаш келади, уларни англашга, ўрганишга ҳаракат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда бундай ўзгаришларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуққа ва унинг ички тузилишига таъсири натижаларини илмий-амалий жиҳатдан ифодалаб бериш бугунги кунда ҳуқуқшунос олимлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Инсоният тараққиёти замирида жамиятимиз дарўй бераётган ўзгаришлар ҳуқуқшуносликка оид кўпдан-кўп тушунча ва атамаларни қайта идрок этиш, уларни ҳуқуқий нормаларда ифодалашни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи-назардан давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг бутун ривожланиш тарихида унинг предметини ташкил қилувчи муаммолардан бири сифатида ҳуқуқ тизими, хусусан унинг бош элементи ҳисобланган ҳуқуқ нормаларининг юридик табиатини тадқиқ этиш масалалари марказий ўринни эгаллаб келган. Қайд этиш жоизки, жамиятда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи нормалар нафақат ижтимоий (диний, сиёсий, ахлоқий, урф-одат, анъана ва бошқалар) кўринишда балки, техник меъёрлар сифатида ҳам намоён бўлади. Ижтимоий нормалар билан техник нормалар ўртасидаги оқилона нисбат масалаларини ўрганиш, уларнинг хусусиятларини аниқлаш ҳамда ифодалашда, энг аввало, юридик-техник нормаларнинг ҳуқуқий табиатини, уларнинг тушунчаси ва моҳиятини батафсил тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқшунослик фанида узоқ давр мобайнида **юридик-техник нормалар** ижтимоий нормалар сифатида тан олинмаган ҳамда уларнинг **ҳуқуқий норма эканлиги инкор этиб келинган**. Бирок, фан ва техника тараққиёти ҳамда инсон билан табиат ўртасидаги уйғунликнинг муайян даражада ўзгариши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда техник характерга эга бўлган қоидаларнинг ўрин эгаллашига олиб келди ва ўз-ўзидан ҳуқуқшунослар олдида ушбу нормаларнинг юридик табиати билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш долзарб вазифалардан бири сифатида майдонга чиқди.

Тадқиқот давомида инсонлар орасида юридик-техник нормаларни тушуниш, бундай нормалар ҳақида тасаввур мавжудлиги хусусида **ижтимоий сўров ўтказилди**. «Юридик-



техник нормалар ҳақида маълумотга эгамисиз?», - деган саволга респондентларнинг 15,1 фоизи “йўқ маълумотга эга эмасман”, 24,7 фоизи “қисман маълумотга эгаман” деб жавоб берган. Ёки, “Юридик-техник нормаларга риоя қилмасликнинг ижтимоий оқибати ҳақида фикрингиз...” деб муносабат сўралганда, респондентларнинг 90,4 фоизи “салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини” қайд этган. Мазкур рақамлар инсонлар ўртасида юридик-техник нормалар хусусида билим ва қарашлар ҳали тўлиқ шаклланмаганлигини намоён қилиб турибди.

Юридик-техник нормаларнинг тушунчаси ва моҳиятини чуқур англаш учун, энг аввало “норма” сўзи ҳамда “юридик-техник” бирикмаларининг маъноларига тўхталиб ўтиш лозим. “Норма” сўзи “қоида”, “аниқ кўрсатма”, “намуна”, “ўлчов” маъноларини англатади¹. Ҳар бир норма ўзида бирон-бир хатти-ҳаракат, хулқ-атвор қоидасини, муайян юриш-туриш моделини ифодалайди. Фан ва техника тараққиётига оид, шунингдек инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш воситаси ҳам айнан нормалар воситасида амалга оширилади.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, ҳуқуқий нормага куйидаги таърифни илгари сурамиз, яъни **ҳуқуқий норма бу** – жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, давлат томонидан қабул қилинадиган, риоя қилиниши мажбурий бўлган хулқ-атвор қоидаларидир.

“Юридик-техник” бирикмаси эса техника, медицина каби махсус билимлар талаб қилинадиган соҳаларга оид муносабатларни ҳуқуқий нормаларда ифодалаш, айни вақтда бундай нормаларни алоҳида хусусиятларга эга эканлигидан келиб чиқиб номлаш учун қўлланилади. Шу жиҳатдан юридик-техник нормалар бошқа юридик ва ижтимоий нормалардан фарқланади. Ижтимоий нормалар шахслар ва уларнинг уюшмалари ўртасидаги муносабатларга қаратилган бўлса, техник нормалар шахсларнинг ташқи олам, табиат ва техника билан алоқаларини тартибга солади.

Юридик-техник нормаларнинг тушунчаси ва моҳияти, уларнинг таснифи, ижтимоий нормалар тизимидаги ўрни ва аҳамияти бир қатор ҳуқуқшунос олим ва мутахассислар томонидан турли даражада тадқиқ қилинган.

Республикамизнинг етук ҳуқуқшунос олимлари томонидан тайёрланган юридик энциклопедияда **юридик-техник нормаларга юридик терминлар** сифатида изоҳ берилган. Унга мувофиқ, юридик терминлар **уч турга** бўлинган, яъни **умумий аҳамиятга эга бўлган терминлар, махсус юридик терминлар, махсус техникавий терминлар**².

Фикримизча, мазкур энциклопедияда ҳуқуқшунос олимлар юридик-техник нормаларни уларнинг асоси юридик терминлар билан узвий боғлиқ эканлиги нуқтаи-назаридан келиб чиқиб юридик терминлар таркибида келтириб ўтишган. Бироқ, **юридик-техник нормалар** нафақат юридик терминлар шаклида, балки кундалик турмушда кенг фойдаланиладиган одатдаги сўзлар билан ҳам ифодаланади. Кундалик ҳаётда қўлланиладиган **“сифатли дори маҳсулотлари”, “техника хавфсизлиги қоидалари”** кабилар бунга мисол бўла олади.

Ҳуқуқшунос олим **З.М. Исломов** юридик-техник нормалар хусусида, жамиятда **икки турдаги нормалар – ижтимоий-техник ва соф ижтимоий нормалар** амал қилишини, мазкур нормалар **одамнинг табиат, техника** билан муносабатлари ёхуд ижтимоий муносабатлар соҳасидаги хатти-ҳаракатларини тартибга солишда фойдаланилишини қайд этиб ўтган³. Ушбу ўринда профессор **З.М. Исломовнинг** фикрларига қўшилган ҳолда, юридик-техник нормалар инсониятнинг **табиат ва техника билан муносабатларини ҳуқуқий нормалардаги ифодаланиши**, айни вақтда юридик-техник нормалар мазкур муносабатларни тартибга солиш усули эканлигини таъкидлаш лозим.

Ҳуқуқшунос олим **Ш.А. Сайдуллаев** шахсларнинг техник объектлардан, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиши билан боғлиқ масалалар соф ижтимоий нормалар билан тартибга солинмаслигини таъкидлаб, жамиятда амал қиладиган барча нормаларни икки қатта гуруҳ, **яъни ижтимоий ва техник нормаларга бўлинишини қайд этган**. Ш.А. Сайдуллаевнинг фикрича, мазкур бўлиниш нормаларни тартибга солиш предметига

¹ Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик – Тошкент “Адолат”, 2018. -Б-271.

² Юридик энциклопедия / юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. Т.: “Шарк”, 2001. – Б-571.

³ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.: “Адолат”, 2007. Б.-425.



кўра тавсифланади. Агар норма кишилар хулқ-атвори ва улар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган бўлса уни ижтимоий норма сифатида тавсифлаш, агар норма шахснинг табиат ва техника воситаларидан фойдаланиши билан боғлиқ муносабатларга доир бўлса унга техник нормалар сифатида қараш лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда техник нормалар **“инсон ва машина”, “инсон ва меҳнат қуроли”, “инсон ва ишлаб чиқариш”** типигаги, яъни инсон билан уни ўраб турувчи жонсиз предметларга оид муносабатларни тартибга солади дейиш мумкин¹.

Юридик-техник нормалар соҳасида **хорижий мамлакатлар ҳуқуқшунос олимлари ҳам** салмоқли тадқиқотлар олиб боришган. Мазкур манбаларда муаллифлар юридик-техник нормаларни айнан юридик-техник нормалар шаклида эмас, балки техник нормалар сифатида ҳам таърифлашган. Бундан ташқари хорижий манбаларда юридик-техник нормалар уч хил шаклда ифодаланган, яъни юридик-техник нормалар, техник-юридик нормалар ҳамда техник-ҳуқуқий нормалар.

Соҳа олимларидан А.Ф.Черданцев бундай нормаларни техник-юридик нормалар деб номлаган бўлса, А.Б.Венгеров юридик-техник нормалар деб, Н.И.Матузов эса техник-ҳуқуқий нормалар деб номлаган².

Бундан ташқари юридик-техник нормаларга оид тадқиқот ишимиз доирасида ўрганилган манбаларда техник нормаларнинг шаклланиши, уларнинг норма шаклида ифодаланиши, ўз вақтида бир қатор олим ва мутахассислар ўртасида **қизгин баҳс-мунозараларига сабаб бўлганлиги намоён бўлди**. Бир қатор манбаларда ҳуқуқшунос олимлар техник нормаларнинг **ижтимоий нормалар ҳисобланмаслигини, шу сабабли улар юридик нормалар бўлолмаслигини қайд этишгани баён қилинган**³.

Юридик-техник нормаларни тадқиқ қилган Д.В.Малиенко ва А.А.Баукен ўз тадқиқотларида мазкур нормаларни **юридик фанда биринчилардан бўлиб А.Ф.Черданцев илгари сурганлигини** қайд этиб ўтишган. Муаллифлар А.Черданцев томонидан техник-юридик нормаларни инсоннинг табиатга, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига, шунингдек ташқи оламнинг бошқа предметларига нисбатан муносабатлари мажмуи сифатида тушунтирилганлигини ҳамда бундай муносабат техник ҳаракатларнинг муайян усул ва методлари билан белгиланишини қайд этиб ўтишган⁴.

Масалан, В.Н.Хропанюк **техник нормалар ижтимоий характерга эга эканлигини таъкидлаган**. Унинг фикрича, **техник нормалар** – инсонларнинг табиат, меҳнат қуроллари, турли техника воситалари билан муайян мақсадларга йўналтирилган муносабатларини ифодаловчи қоидалардир⁵.

Юридик-техник нормалар тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб борган муаллифлардан А.В.Пчелкиннинг таъкидлашича, **техник-юридик нормалар** бу расмий равишда белгиланган, давлат томонидан ўрнатилган, давлатнинг ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбурлаш чоралари билан таъминланган, рухсат берилган, таъқиқланган ёхуд белгиланган техник ҳаракатлардир⁶.

“Норматив-ҳуқуқий тизимда юридик-техник ва норматив-техник тартибга солиш ўзига хос муҳим аҳамият касб этади”, - деб қайд этади ҳуқуқшунос олимлардан бири **А.Б. Венгеров**. Муаллиф ижтимоий нормалардан техник нормаларни фарқлашга алоҳида эътибор қаратган. Унинг фикрича, ижтимоий нормалар инсонларнинг ўзаро ҳамда жамоавий муносабатларини тартибга солса, техник нормалар инсонларнинг техника билан муносабатларини тартибга солади. Юридик-техник нормалар йўриқномалар, кўрсатмалар, қўлланмалар, методик

¹ Сайдуллаев Ш.А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. –Тошкент: ТДЮУ, 2018. Б.-78-79. (220 б).

² Технические регулирование: правовые аспекты реформы / комментарий к Федеральному закону “О техническом регулировании”. Москва. Научный эксперт,- 2010.

³ Технические регулирование: правовые аспекты реформы / комментарий к Федеральному закону “О техническом регулировании”. Москва. Научный эксперт,- 2010.

⁴ Малиенко Д.В., Баукен А.А. Локальный уровень правового регулирования на примере локальных технико-юридических норм / Вестник ЮУрГУ. Серия «Право». 2014, том 14, № 4.

⁵ Хропанюк В.Н. Теория государства и права. Учебник для высших учебных заведений / Под редакцией профессора В.Г.Стрекозова – М.: Издательство “Интерстиль”, “Омега-Л”. 2008, Ст.-199. (384 стр).

⁶ Пчелкин А.В. Техничко-юридические нормы в современной России (проблемы теории и практики). Дисс.-Нижний Новгород, 2004. Ст.-67.



материаллардир¹.

Юридик-техник нормалар хусусида **А.В. Петров, А.А. Баукен** ҳамда **Д.В. Малиенколар** яна бир муҳим, яъни тармоқ техник-ҳуқуқий нормалар тушунчасини илгари сурганлар. Мазкур муаллифларнинг фикрича, ишлаб чиқариш қуроли ва воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар **тармоқ техник-ҳуқуқий нормалар ҳисобланиб**, улар бажариладиган функциялари ҳамда ўзига хос табиатига кўра алоҳида гуруҳга ажратилган². Ҳаммуаллифларнинг мазкур нуқтаи-назарлари юридик-техник нормаларнинг кенг қамровли ва турли соҳа ҳамда тармоқларга бўлиниши мумкинлигини англатади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган юридик-техник нормаларга оид тушунчалар, фикрлар, таҳлиллар ва нуқтаи-назарлардан келиб чиқиб, юридик-техник нормаларга **қуйидаги муаллифлик таърифини илгари сурамиз**, яъни «**юридик-техник нормалар – бу инсоннинг табиат, техника, тиббиёт каби унинг атрофида мавжуд муҳит ва воситалар билан муносабатларини, техник ҳаракатлари меъёрларини белгилаб берувчи, давлат томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек йўриқнома, қўлланма, техник стандартлар шаклида қайд қилинадиган қоидалар мажмуи**».

Қайд қилинган муаллифлик таърифида, энг аввало, юридик-техник нормалар ҳам айни вақтда ҳуқуқий норма эканлигига асосландик. Ҳуқуқ нормаси шахсларнинг бир-бири билан бўладиган ўзаро муносабатларида қандай хатти-ҳаракатлар моделига, намунасига риоя этишлари лозимлигини, яъни қайси ҳаракатларни содир этиш мумкин ёки қандай ҳаракатларни содир этмасликни белгилаб берса, **юридик-техник нормалар худди шундай муносабатларни инсон ва табиат, инсон ва техника, инсон ва ишлаб чиқариш каби муносабатлар учун белгилаб беради**.

Бизнингча, ижтимоий ва табиий воқелик тенг суръатларда ривожланиб бораётган бугунги кунда юридик-техник нормаларни яратиш ҳамда уларни ижтимоий воқеликка татбиқ қилиш механизмларини ривожлантириш, мунтазам такомиллаштириб бориш, уларни илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга. Мазкур механизмлар мамлакатимизда юридик-техник нормаларни яратиш борасидаги ҳуқуқ ижодкорлигининг самарали тизимини қарор топишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, техник нормаларни табиат қонунлари билан бир хил деб тушуниш мумкин эмас. Табиат қонунлари объектив мавжуд бўлиб, улар муайян даражада табиатдаги флора ва фаунада юз берадиган жараёнларни ўзаро алоқаси ва барқарорлигини таъминловчи такрорланиб турадиган ҳодисалар сифатида намоён бўлади, техник нормалар эса инсон томонидан шакллантирилади. Инсон онги ва иродасидан мустақил равишда ҳаракат қиладиган табиат ва жамиятнинг объектив қонунларидан фарқли ўлароқ, техник нормалар шаклланишидан олдин инсон онги ва иродасидан ўтиб, инсонинг табиатга ва оламдан ташқаридаги нарсаларга нисбатан тўғри ёки мумкин бўлган хатти-ҳаракатларини норма шаклида пайдо қилади.

Юридик-техник нормалар хусусида мазкур илмий мақолада қайд этиб ўтилган бир қатор тушунчалар, нуқтаи-назарлардан хулоса сифатида бундай турдаги нормаларга хос бўлган қуйидаги умумий хусусиятларни қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, юридик-техник нормалар ўзида техник хусусиятларни мужассам қилади, яъни бундай нормаларда инсон ва техника муносабатида муҳим бўлган қоидалар, техникадан фойдаланиш, уни ишлатиш меъёрлари акс эттирилади;

иккинчидан, юридик-техник нормалар “субъект-объект” муносабатларини ўзида ифода этади, яъни инсоннинг табиат, ундаги объектлар, меҳнат қуроли, турли техник воситалар, тиббиёт, фармацевтикага оид йўриқномалар билан ишлаш, улардан фойдаланиш меъёрларини акс эттиради;

учинчидан, юридик-техник нормалар ўзида мазмунан техник ҳаракатларга доир қоидаларни намоён қилади;

тўртинчидан, техник нормаларга риоя қилмаслик, улар ҳақида махсус билим ва

¹ Венгеров А.Б. Теория государства и права: Учебник для юридических вузов. 3-е изд. – М.: Юриспруденция, 2000. – Стр.-181. (528 с.)

² Петров А.В., Баукен А.А., Малиенко Д.В. Характеристика условий эффективности локальных технико-правовых норм // Вестник ЮУрГУ. Серия «Право». 2016. Т. 16, № 2, С. 58



кўникмаларга эга бўлмасдан фойдаланиш муайян оқибатларни келтириб чиқариши мумкин;

бешинчидан, ижтимоий нормалар инсонларнинг ўзаро ҳамда жамоавий муносабатларини тартибга солса, техник нормалар инсонларнинг техника билан муносабатларини тартибга солишга қаратилган бўлади;

олтинчидан, юридик-техник нормалар инсонга фан ва техника ютуқларини, инсонни ўраб турган оламни, тиббиёт ва бошқа махсус билим талаб қилинадиган соҳаларни англашга, тушунишга ва улардан тўғри фойдаланишга кўмаклашадиган ўзига хос боғловчидир;

еттинчидан, юридик-техник нормалар ўзининг ташкилий-техник хусусиятларини йўқотмаган ҳолда ҳуқуқий нормалар белгиларига эга бўлади, яъни улар давлат томонидан ўрнатилади, уларда кўпчиликнинг иродаси акс эттирилади, махсус норматив ҳужжатларда акс эттирилади;

саккизинчидан, юридик-техник нормалар “инсон ва табиат”, “инсон ва атроф-муҳит” муносабатларининг оқилона нисбатларини белгилашнинг ҳам асосий воситаси ҳисобланади;

тўққизинчидан, **техник нормалар** – инсонларнинг табиат, меҳнат қуроллари, турли техника воситалари билан муайян мақсадларга йўналтирилган муносабатларини ифодалайди, техник нормалар айни вақтда инсонлар томонидан қўлланиладиган муайян қоидалар ҳисобланиб, маълум бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилади ва шу асосда юридик кучга эга бўлади. Бундай нормалар, шу тарзда, юридик-техник нормалар сифатида эътироф этилади.



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЖИХАТЛАР

Базарова Дилдора Бахадировна,

Тошкент давлат юридик университети профессори,
юридик фанлар номзоди.

Аннотация: Мазкур тезисда жиноят процессида шахс ҳуқуқлари процессуал кафолатларининг назарий ва амалий масалалари амалдаги қонунчилик ва назарий қоидалар асосида атрофлича тадқиқ этилган. Шу билан бирга, тезисда жиноят процессида шахс ҳуқуқлари процессуал кафолатларининг назарий жиҳатлари бўйича муаллифлик таклифлар ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: қонун, кафолат, процесс, жиноят, тизим, тергов, жиноят процесси.

Жиноят иши юритуви босқичларида, хусусан жиноят ишини кўзгатишдан бошлаб, уни тергов қилиш, судда кўришга тайинлаш, ишни мазмунан судда кўриш ва натижаси бўйича суд ҳужжатлари (ҳукм, ажрим)ни қабул қилиш, ҳукм (ажрим, қарор)нинг ижро этилишини таъминлашни амалга оширишда жинойий процессуал кафолатлар муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир жиноят иши бўйича одил судлов вазифаларини амалга оширилишини таъминлайдиган воситалар тарзидаги процессуал кафолатларни ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатларини, яъни улар ёрдамида процесс иштирокчилари ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган кафолатларни фарқлаш лозим. Мазкур кафолатлар бир-бири билан узвий боғланган ҳамда уларни қарама-қарши қўйилиши, тенглаштирилиши мумкин эмас, улар жиноят процессида қонунийлик ҳуқуқий кафолатларининг тури ҳисобланади. Давлатнинг алоҳида шахсга нисбатан бўлган манфаати бир-бирига мувофиқ бўлмаслиги мумкин, лекин шахснинг у ёки бу манфаатларини қонуний хусусиятини белгилаб, давлат бу манфаатларнинг ҳимоясини таъминлайди. Кенг маънода қонунийликнинг кафолати бутун жиноят процесси, шунингдек процессуал шакл ҳисобланади. Шакл процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этган ҳолда процесс вазифаларига эришишни кафолатлашга қаратилгандир [1].

Таъкидлаш лозимки, жиноят процессуал кафолатлар жиноят процессида одил судловнинг қонунийлиги ва инсонпарварлигининг амалий тасдиғи бўлиб, қонунчиликда белгиланган шахс ҳуқуқларини жиноят ишларини юритишда амалда таъминланишидир.

Жиноят-процессуал қонунчиликнинг мақсадларига эришиш ва унинг олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун, биринчи навбатда, жиноят ишида иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган махсус процессуал кафолатлар тизимини яратиш лозим [2].

Шундай қилиб, жиноят процесси иштирокчиларининг жинойий процессуал кафолатлари остида иккита компонентнинг жамлигини тушуниш керак: биринчидан, бу жиноят процессуал қонуни билан белгиланган процессуал меъёрларнинг (ҳуқуқий воситаларнинг) жами (тизими), яъни, жараён иштирокчисига ўз ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишга рұхсат бериш ёки унга қарши бўлган субъектларнинг хоши-иродасидан қатъий назар, мажбуриятларнинг бажарилишига эришиш; иккинчидан, бу жиноят процессида иштирок этаётган барча иштирокчилар фаолиятида қонунга аниқ ва бир хил риоя этилишини таъминлаш учун ушбу ҳуқуқий воситаларни амалга оширишда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг юридик фаолияти [3].

Баъзи муаллифларнинг фикрича, жинойий процессуал кафолатлар “ҳуқуқий воситалар тизими” дир. Бошқаси бу таърифни “ҳуқуқий воситалар” кўринишида кўради. Яна кимдир бу “воситалар, усуллар ва шартлар” эканига амин. Тўртинчиси, жинойий процессуал кафолатлар остида “барча жинойий процессуал қонун”ни тушуниш керак деган хулосага келади.

Процессуал кафолатлар иккита асосий турга бўлинади: 1) шахснинг жиноят ишини юритиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари (индивидуал ҳуқуқларнинг кафолатлари; айрим субъектларнинг ҳуқуқларининг кафолатлари; инсон ҳуқуқларининг кафолатлари); 2) одил судлов кафолатлари [4].

Шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари таърифига берилган назарий хулосаларига кўра процессуал кафолатлар қуйидаги элементларни ўз ичига олади: 1) жиноят процесси



тамоийллари; 2) процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; 3) шахс ҳуқуқларини таъминлашдаги мансабдор шахсларнинг вазифалари.

Шундай қилиб, кафолатлар тизимига нисбатан фанда қарама-қарши фикрларга қарамай, биз яна бир бор таъкидлаймизки, процессуал кафолатлар - бу мустақил процессуал воситалар эмас, балки таъминлашнинг ҳуқуқий воситалари тизими. Бу тизимнинг ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, у жиноят процессини юритаётган мансабдор шахсларни жиноят процессуал қонунида назарда тутилган шахс ҳуқуқларининг ҳақиқий таъминланишини эмас, балки декларативликни рад этишга, тортишиш марказини ўзгартиришга йўналтиради [5].

Жиноят процессининг қонунийлиги ва асослигини таъминлашда процессуал кафолатлар муҳим рол ўйнайди. Бунда жиноят процессуал қонунчиликда белгиланган воситалар ва жиноят процессида белгиланган вазифаларни бажариш одил судлов учун муайян шароитлар яратади. Процессуал кафолатларнинг энг муҳим жиҳати жиноят процессида иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш воситалари ва усуллари билан шаклланади.

Таъкидлаш лозимки, шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари одил судлов соҳасида энг долзарб ва муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг мақсади жиноят процессида самарали тизимни яратишдир.

Жиноят иши юритувида жиноят ишини қўзғатишдан тортиб ишни мазмунан судда кўриш ва натижаси бўйича суд ҳужжатлари (ҳукм, ажрим)ини қабул қилиниши ҳамда ижро этилишини таъминлашда шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари тизими муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу кафолатлар жиноят процессида одил судловнинг қонунийлиги ва инсонпарварлигининг амалий тасдиғи бўлиб, қонунчиликда белгиланган тартибда шахс ҳуқуқларини жиноят ишини юритишда амалда таъминланишидир.

Ҳар бир жиноят иши бўйича одил судлов вазифаларини амалга оширилишини таъминлайдиган воситалар тарзидаги процессуал кафолатларни ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатларини, яъни улар ёрдамида процесс иштирокчилари ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган кафолатларни фарқлаш лозим. Мазкур кафолатлар бир-бири билан узвий боғланган ҳамда уларни қарама-қарши қўйилиши, тенглаштирилиши мумкин эмас, улар жиноят процессида қонунийлик ҳуқуқий кафолатларининг тури ҳисобланади. Давлатнинг алоҳида шахсга нисбатан бўлган манфаати бир-бирига мувофиқ бўлмаслиги мумкин, лекин шахснинг у ёки бу манфаатларини қонуний хусусиятини белгилаб, давлат бу манфаатларнинг ҳимоясини таъминлайди. Кенг маънода қонунийликнинг кафолати бутун жиноят процесси, шунингдек процессуал шакл ҳисобланади. Шакл процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этган ҳолда процесс вазифаларига эришишни кафолатлашга қаратилгандир [6].

Қайд этилганидек, жиноий процессуал кафолатлар назариясини тадқиқ этган олимлар процессуал кафолатлар тизимига кирувчи процессуал воситалар сони масаласида мунозаралар мавжуд. Кўриб чиқилаётган назариянинг илмий таърифини шакллантириш орқали, жиноят процессида иштирок этувчилар ҳуқуқлари кафолатлари тизимига қандай элементларни киритиш мумкинлиги хусусида ҳам қатор назарий хулосалар мавжуд.

Кафолатлар тизимига нисбатан фанда қарама-қарши фикрларга қарамай, биз яна бир бор таъкидлаймизки, процессуал кафолатлар - бу мустақил процессуал воситалар эмас, балки таъминлашнинг ҳуқуқий воситалари тизими. Бу тизимнинг ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, у жиноят процессини юритаётган мансабдор шахсларни жиноят процессуал қонунида назарда тутилган шахс ҳуқуқларининг ҳақиқий таъминланишини эмас, балки декларативликни рад этишга, тортишиш марказини ўзгартиришга йўналтиради [7].

Кафолатлар тизими бу – процессуал кафолатлар алоҳида процессуал воситалар эмас, балки ҳуқуқий воситалар тизими эканлигини таъкидлаймиз. Ушбу тизимнинг ижтимоий аҳамияти шундан иборатки, у жиноий иш юритаётган мансабдор шахсларга декларатив характердан воз кечишни, жиноят процессуал қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқларнинг реал таъминланишни белгилайди.

Ўз навбатида, кафолатлари тизими процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни амалга оширишга бевосита имкон беради. Шу билан бирга, жиноят процессининг ҳар қандай иштирокчисини тергов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг



қонунга зид ҳатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилиб, жиноят иши юритувида одил судловни ўрнатади.

Фикримизча, юқорида санаб ўтилган кўплаб талқинларга асосланиб, процессуал қафолатлар тизимини кенг ва тор маънода кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тизим таркибига кўра бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиладиган қуйидаги компонентларни ўз ичига олиши керак, хусусан: жиноят процесси тамойиллари; жиноят процесси шакллари; жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; процессда иштирок этаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги органлар ва мансабдор шахсларнинг вазифалари.

Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг процессуал қафолатлари таркибига кирувчи мазкур элементларни юридик адабиётларда келтирилган назарий тавсифлардан келиб чиқиб, қуйидагича таҳлил қилиш мумкин.

Жиноят процесси тамойиллари. Жиноят процессуал принциплар ягона ва яхлит тизим бўлиб, бир-бирига ўзаро узвий алоқадор ва боғлиқдир. Бу нафақат ягона мақсад учун хизмат қилишда ёки судлов олдидаги вазифаларга эришишда, балки ҳар қандай принципнинг умумий процессуал шакллари доираларида амал қилишда ҳам намоён бўлади. Жиноят процесси тамойилларининг белгилари қуйидагилардан иборат: биринчидан, улар жиноят процессининг демократлашганлиги ва инсонпарварлигини ёрқин ифода этади, унинг тузилишини ва тизимини белгилайди; иккинчидан, жиноят-процессуал меъёрлар ва айрим жиноят процессуал институтларни янада такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади; учинчидан, жиноят процесси принципларини амалиётда аниқ мазмунини англаш мураккаб бўлган жиноят-процессуал меъёрларни шарҳлаш ва қўллашда ишончли асос ҳисобланади; тўртинчидан, жиноят процесси принципларига сўзсиз амал қилиш жиноят ишлари суд муҳокамасининг барча вазифалари бажарилиши учун зарур ва мажбурий шартдир.

Жиноят процесси бўйича принциплар ушбу соҳада амалга оширилиши учун асос бўладиган умумий қоидаларни ўзида мужассамлаштиради. Мазкур соҳадаги фаолият йўналишлари қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилар экан, ушб фаолиятга асос бўлувчи асосий қоидалар (принциплар) ҳам мустаҳкамланиши лозим.

Принциплар жиноят процессининг моҳияти ва мазмунини ифода этади, унинг энг муҳим хусусиятлари ва сифат жиҳатларини, процессуал тартибга солиш предмети ва усулини тавсифлайди. Умумий меъёрлар бўлмиш принциплар амалий фаолият борасида юзага келадиган барча масалаларнинг ҳал этилишини таъминлайди. Процессуал ҳуқуқда айрим меъёрлар ўртасида муаммолар ёки зиддиятлар вужудга келса, принциплар вужудга келган қийинчиликларни ҳал этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Жиноят процессида қонунийликни янада мустаҳкамлаш унинг ҳар бир принципига аниқ риоя қилишни ҳамда уларни барча процессуал босқичларида ва институтларида изчиллик билан амалга оширишни талаб этади, мазкур принциплар мазмунини ва тизимини тўғри тушуниш эса амалиёт ходимларининг ўз ишининг келгуси йўналишлари юзасидан билимларини бойитади. Жиноят процесси принципларининг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, улар жиноят процессининг демократлашганлиги ва инсонпарварлигини ёрқин ифода этади, унинг тузилишини ва тизимини белгилайди;

иккинчидан, жиноят-процессуал меъёрлар ва айрим жиноят процессуал институтларни янада такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади;

учинчидан, жиноят процесси принципларини амалиётда аниқ мазмунини англаш мураккаб бўлган жиноят-процессуал меъёрларни шарҳлаш ва қўллашда ишончли асос ҳисобланади;

тўртинчидан, жиноят процесси принципларига сўзсиз амал қилиш жиноят ишлари суд муҳокамасининг барча вазифалари бажарилиши учун зарур ва мажбурий шартдир [22].

Маълумки, жиноят процесси соҳасида барча муносабатлар, шу ўринда принциплар масаласи ҳам соҳани тартибга солувчи қонунчилик, яъни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига акс этган.

Кодексда жиноят процесси соҳасидаги бош қоидалар ҳисобланган 17 та принциплар кўрсатилган бўлиб, уларнинг ҳар бири процессдаги муайян турдаги муносабатларда бош ғояларни ўзида ифода қилади.

Хусусан, мазкур принциплар қуйидагилардан иборат, яъни қонунийлик, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, жиноят ишларини ҳайъатда ва яқка тартибда кўриб



чиқиш, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши, жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, судда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши, жиноят ишлари юритиладиган тил, жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки, ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш, судда ишларни юритишда тортишув, далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи.

Жиноят процесси шакллари. Процессуал шакл – жиноят процессуал ҳужжатлар қонунийлиги ва асослилигининг, суд репрессияси аниқлигининг, жиноят процессининг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти юқори даражада таъминланишининг, жиноят ишларининг суд муҳокамасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлалигича муҳофаза этилишининг муҳим кафолатидир.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Жиноят-процессда иштирок этувчи шахсларнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ягона тизими.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, жиноят процессида шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари тизими ўз навбатида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ўртасидаги узвий боғлиқлик мавжуд. Шундан келиб чиқиб, жиноий процессуал кафолатларга оид амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш ўз навбатида шахс манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жиноят процесси. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2008. - Б.24.
2. Муродов Б.Б. Терговга қадар текширувда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. - 2020. - № 4 (47).- Б.75.
3. Овчинников Ю. Г. Понятие уголовно-процессуальных гарантий // Вестник ЮУрГУ, № 19, 2011. – С.42
4. Овчинников Ю. Г. Классификация уголовно-процессуальных гарантий // Серия “Право”, выпуск 24. –С. 58.
5. Овчинников Ю. Г. Система уголовно-процессуальных гарантий // Вестник ЮУрГУ, № 25, 2010. – С.56.
6. Жиноят процесси. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2008. - Б.24.
7. Овчинников Ю. Г. Система уголовно-процессуальных гарантий // Вестник ЮУрГУ, № 25, 2010. – С.56.



КЛАССИФИКАЦИОННЫЕ КРИТЕРИИ КРАНИООРБИТАЛЬНЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ

Х.М. Камилов¹, М.Х. Каримова², Д.К. Махкамова², Ё.М. Тураева³

¹Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников

²Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр микрохирургии глаза

³Ферганский медицинский институт общественного здоровья

Введение. На сегодняшний день в литературе для описания травм органа зрения часто используется классификация Б.Л. Поляка, но классификации краниоорбитальных травм, которые в полной мере отражали бы сочетанные повреждения костей черепа, орбиты, глазного яблока и придаточного аппарата, в литературных источниках нами не были найдены. Данное обстоятельство является актуальной проблемой офтальмотравмотологии, так как, существующие классификации не отражают в полной мере повреждения органа зрения при краниоорбитальных травмах, что приводит к поздней диагностике поражений и тем самым, необратимой потере зрения больных.

Цель. Разработать классификацию краниоорбитальных повреждений при черепно-мозговых травмах с учетом данных офтальмологической симптоматики.

Материал и методы исследования. Материалом исследования явились 132 больных с краниоорбитальным повреждением при черепно-мозговой травме. Всем пациентам проводились общие и офтальмологические методы исследования по показаниям. Общие методы исследования включали оценку нарушения сознания и степени комы по шкале Глазго, исследование нейростатуса, проведение мультиспиральной компьютерной томографии головного мозга и орбиты, а также другие методы исследования. Из стандартных офтальмологических методов проводились наружный осмотр, определение зрачковых реакций, визометрия, периметрия, офтальмоскопия, а также компьютерная периметрия и оптическая когерентная томография по показаниям.

Результаты и обсуждение. В результате проведенного анализа обследованных больных было выявлено: у 10 больных - поражение костей стенок орбиты, без повреждения глазного яблока, у остальных больных – с повреждением глазного яблока. При этом всего лишь у 7% больных отмечалось проникающее ранение глазного яблока, тогда как у остальных диагностировали контузию органа зрения. При диагностике костных повреждений орбиты наблюдались поражение одной стенки орбиты у 26 больных (16,5%), 2-х стенок у 14 больных (8,9%), 3-х стенок у 5 больных (3,1%), всех стенок орбиты у 4 больных (2,5%), помимо этого у 2 больных (1,2%) отмечали изолированное повреждение верхушки орбиты. У 21 больного (13,7%) с краниоорбитальными травмами визуализировалось повреждение стенок орбиты без смещения костных отломков, у 24 (15,2%) со смещением вышесказанного. В зависимости от сторон поражения наблюдалось одностороннее у 23 больных (17,4%) и двустороннее у 109 больных (82,5%) краниоорбитальное повреждение, а также у 13 больных (8,2 %) отмечали развитие синдрома верхней глазничной щели, чего не наблюдалось у остальных пациентов. При исследовании у больных отмечались нарушения зрительных функций, связанные с повреждением зрительного нерва, при этом у 5 больных (3,1 %) наблюдали ушиб зрительного нерва, у 9 (5,7 %) - сдавление ЗН, а у 2 больных (1,2 %) визуализировался отрыв зрительного нерва.

Заключение. Таким образом, данная классификация проста и лаконична, позволяет подробно описать повреждения орбиты, глазного яблока и придаточного аппарата органа зрения при краниоорбитальных травмах, что будет способствовать ранней дифференциальной диагностике полиоргановых поражений и сохранению зрительных функций больных при черепно-мозговых травмах.



МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИ ТУШУНЧАСИ

Юсупов Нодирбек Омонович

Ўзбекистон Республикаси

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси

Тел.: +99 891 329-71-77

yunusovtimur160@gmail.com

Аннотация: Мақолада ҳарбий хизматни ўташ тартиби тушунчасининг амалдаги таърифи, шунингдек, ҳарбий хизматни ўташдаги ижтимоий муносабатларни фарқли жиҳатларини инобатга олган ҳолда уни такомиллаштиришга оид таклифлар баён қилинган.

Калит сўзлар: ҳарбий хизмат, ҳуқуқий тартибот, ҳарбий-ҳуқуқий тартибот, Қуролли Кучлар, махсус статус, ижтимоий муносабат, ҳарбий хизматни ўташ тартиби, юридик факт.

Ўзбекистон Республикаси ЖКга мувофиқ, барча жиноятлар каби ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар таркибини жиноятнинг объекти, субъекти, объектив ва субъектив томонлари ташкил этади. Жиноят ҳуқуқи назариясида энг кенг тарқалган нуқтаи-назар жиноят объектини жиноятлар натижасида зарар етказиладиган ижтимоий муносабатлар сифатида тушунишдир [1]. Бунда барча жиноятларнинг объекти вертикаллик ва горизонталлик бўйича таснифланади. Вертикаллик бўйича умумий, махсус ва бевосита объектлар, горизонталлик бўйича (бевосита объектларга нисбатан) эса асосий, қўшимча ва факультатив объектларга ажратилади [2]. Жиноий-ҳуқуқий норма ижтимоий муносабатни муҳофаза қилиш учунгина мавжуд. Жиноят жиноий-ҳуқуқий нормани бузишга эмас, балки ижтимоий муносабатга зарар етказишга қаратилади [3]. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар қонун чиқарувчи томонидан мазкур жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ЖКнинг VII-бўлимида алоҳида тизимлаштирилган. Жиноятнинг объектини муайян турдаги ижтимоий муносабатлар ташкил этиши инобатга олинса, бу ижтимоий муносабатларнинг ўзи нимадан иборат эканлиги, уларнинг қандай шароитларда юзага келиши, амал қилиши, ўзгариши ёхуд тугашини англаб олиш зарур. Бу эса ўз навбатида, ҳарбий хизматни ўташ тартиби тушунчаси билан узвий боғлиқ жараён. Шу боис, ушбу тоифадаги жиноятларнинг объектини аниқлашдан аввал “ҳарбий хизматни ўташ тартиби” ўзи нима эканлигига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ.

Моҳиятан, ҳарбий хизматни ўташ тартиби – ҳарбий қонунчилик билан тартибга солинадиган, ҳарбий хизмат бошланган пайдан то тугаш пайтигача юзага келувчи “ҳарбий хизматчи” махсус статусига эга бўлган шахслар томонидан киришиладиган алоҳида ижтимоий муносабатлар йиғиндиси. Яъни, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар айнан ҳарбий хизматни ўташ тартибини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади. Умумий маънода у ҳуқуқий тартиботнинг таркибий қисми. Ўз навбатида, ҳуқуқий тартибот – ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ нормаларида белгиланган қоидаларга тўла ва аниқриоя қилишлари натижасида ўрнатиладиган ижтимоий муносабатлар тизими [4]. Бироқ таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликда “ҳарбий хизматни ўташ тартиби” тушунчасининг аниқ таърифи учрамайди. Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонуннинг 2-моддасига кўра, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонундан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланадиган бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат” [5], “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги низом 3-бандида ҳарбий хизматни ўташ муддатли ҳарбий хизматга чақириш ёки контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш, ҳарбий лавозимга тайинлаш ва уни бажариш, ҳарбий унвон бериш, ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиш, резервдаги хизматга олиш, ҳарбий хизматга мажбурларни истеъфога чиқариш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга, шунингдек мазкур соҳадаги Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ ҳарбий хизматчиларнинг хизмат ва ижтимоий-ҳуқуқий мавқеини белгилаб берувчи бошқа ҳолатлар (вазиятлар)ни ўз ичига олиши белгилангани қайд этилади [6]. Олий суд Пленуми қарорида “Ҳарбий хизматни ўташ тартиби – қўшинлар ҳаёти ва жанговар фаолияти жараёнида юзага



келадиган муносабатлар бўлиб, улар қонунлар, ҳарбий қасамёд ва низомларда белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатларда ҳарбий хизмат фуқаронинг конституциявий бурчи эканлиги, яккабошчилик ва ундан келиб чиқадиган тобе шахсининг бошлиққа сўзсиз итоат қилиши, ушбу муносабатлар субъектлари ҳуқуқ ва эркинликларининг аниқ белгилаб қўйилиши каби ҳарбий ташкилот тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган” [7] дейилади. Назаримизда, юқоридаги таърифлар ҳарбий хизматни ўташ тартибининг фақат умумий ва кенг маънода тушунишга имкон беради. Шу боис, бизнингча, келгусида Олий суд Пленумининг юқоридаги қарори 1.1 банди иккинчи хатбошини **ҳарбий хизматни ўташ тартиби – тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинадиган, ҳарбий хизмат бошланишидан яқунлангунга қадар муайян юридик фактларнинг таъсири остида ҳарбий хизматни ўташ ва хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг юзага келиш, ўзгариш ва тугаш жараёни**” таҳририда баён қилиниши мақсадга мувофиқ. Мазкур таъриф *биринчидан*, ҳарбий хизматни ўташ тартибининг асосий меъзон сифатида айнан қандай турдаги ижтимоий муносабатларни қамраб олишини кўрсатса, *иккинчидан*, ижтимоий муносабатларга муайян таъсир этиш ва уларни тартибга солиш механизми сифатида жинойий ва бошқа турдаги қонунчиликни юридик факт тарзида ифодалашни назарда тутди. Албатта, ушбу таърифни мукамал ва тугал дейишдан йироқмиз. Лекин у амалда мавжудларига нисбатан аниқроқ ва тушунарлироқ деб ўйлаймиз. Фикримизча, таклиф этилаётган таърифнинг мазмунидан ҳарбий хизматни ўташ ўз ичига ҳарбий хизматга кириш, лавозимга тайинлаш, навбатдаги ҳарбий унвонни бериш ёхуд уни пасайтириш, ундан маҳрум этиш ва тиклаш, ҳарбий-профессional тайёргарлик, қайта тайёргарлик ва малака ошириш, аттестация, ҳарбий хизматдан бўшатиш ва ҳарбий хизматга тиклаш, турли жанговар вазифаларни бажариш каби вазиятларда вужудга келадиغان (ўзгарадиган, бекор бўладиган) ижтимоий муносабатларни ўз ичига олиши англашилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Закомолдин Р.В.* Ответственность за нарушение правил несения службы по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности по уголовному законодательству России: дис. ... канд. юрид. наук. Самара, 2001. С. 19–23; *Вишнякова Н.В.* Объект и предмет преступлений против собственности: дис. ... канд. юрид. наук. Омск, 2003. С. 13.; *Рустамбоев М.Х.* Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм), Олий ўқув юртлари учун дарслик, Тошкент – “ILM ZIYO” – 2006, 141 б.
2. *Коржанский Н. И.* Объект и предмет уголовно-правовой охраны. М., 1980. С. 74 ; *Никифоров Б. С.* Объект преступления по советскому уголовному праву. М., 1960. С. 113–114.; *Рустамбоев М.Х.* Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм), Олий ўқув юртлари учун дарслик, Тошкент – “ILM ZIYO” – 2006, 143-145 б.
3. *Рустамбаев М.Х.* Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. V том. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018., 163 в.
4. <https://huquqiportal.uz/dictionary/index?alphabet=%D2%B2&page=10&per-page=10>, Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳуқуқий интернет портали
5. <https://lex.uz/docs/78717>, Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги 2002 йил 12 декабрдаги 436-П-сон Қонун
6. <https://lex.uz/docs/4513434>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-4447-сон қарори
7. <https://lex.uz/docs/1449962>, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарори



ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШДА АДВОКАТ ИШТИРОКИ.

Маматкулов Камолиддин Галабаевич.

Андижон вилояти юридик техникуми ўқитувчиси.

Абдурасулов Мухаммадқодир.

Андижон вилояти юридик техникуми ўқитувчиси.

Рўзибоев Мавлонбек Дурбек ўғли

Андижон вилояти юридик техникуми ўқитувчиси.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишда адвокат иштирокининг процессуал асослари. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишда процессуал жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Алоҳида тоифадаги, жиноят, процессуал, тиббий, кодекс, адвокат, суд, тергов.

PARTICIPATION OF A LAWYER IN THE PROCEEDINGS FOR THE APPLICATION OF CORRECT MEDICAL MEASURES IN UZBEKISTAN.

Mamatkulov Kamoliddin Galabayevich.

Andijan Region Law school Teacher for law.

Abdurasulov Muhammadqodir.

Andijan Region Law school Teacher for law.

Ro‘ziboev Mavlonbek.

Andijan Region Law school Teacher for law.

Annotation: This article provides the procedural grounds for the participation of a lawyer in the proceedings on the application of compulsory medical measures in the Republic of Uzbekistan. Information about the features of the procedural process in the proceedings on the application of compulsory medical measures.

Key words: Category, criminal, procedural, medical, code, lawyer, court, investigation.

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 116-моддасида " Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланиши" кўрсатиб ўтилган. Жиноят процессуал ҳуқуқида алоҳида тоифадаги жиноят ишларни юритиш ўз хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу туркумидаги жиноят ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг ўн учинчи бўлимда тартибга солинган бўлиб, мазкур бўлимнинг 566 — 581-моддалари асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалаларни кўриш тартиби белгиланган.

Жиноят содир этганидан кейин руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахснинг жинояти тўғрисидаги иш бўйича шахсда руҳий ҳолатининг жиноят содир этганидан кейин юзага келган ва жазонинг қўлланилишини истисно этадиган тарзда бузилганлиги исботланиши лозим.

Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлик тўғрисидаги иш юзасидан қуйидагилар исботланиши лозим:

1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

-содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;



- айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

2) қилмишни содир этган пайтида шахснинг руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки руҳий ҳолатининг бошқача тарзда бузилганлиги, буларнинг оқибатида у ақли норасолик ҳолатида бўлганлиги, яъни ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаганлиги ёки уларни бошқара олмаганлиги;

3) мазкур шахснинг суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси вақтидаги руҳий ҳолати.

Жиноят содир этганидан сўнг руҳий ҳолати бузилган шахснинг иши бўйича, худди шунингдек ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этган шахснинг иши бўйича шахснинг бундан буёнги хулқ-атвори унинг ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги, унинг даволанишга муҳтожлиги ёки муҳтож эмаслиги, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилишига зарурат борлигини ёки йўқлигини ва айнан қандай чоралар қўллаш лозимлигини ҳал қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар исботланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 570-моддасида- шахснинг тергов ва суд ҳаракатларини юритишдаги иштироки белгиланган.

Ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши тўғрисида иш юритилаётган шахс соғайса ёки унда беқарор ремиссия ҳолати юз берса ва шу туфайли сўроқларда тўғри кўрсатув бера олса ҳамда бошқа тергов ва суд ҳаракатларида иштирок эта олса, суриштирувчи, терговчи ва суд бу шахсга тергов қилишда ва суд муҳокамасида қатнашиш ҳамда ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошириш имконини бериши лозим.

Ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаш тўғрисида иш юритилаётган шахс: унга қандай ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлик учун айб қўйилаётганини билишга; кўрсатув беришга; далиллар тақдим қилишга; илтимослар қилишга; суриштирув ёки дастлабки тергов тамомланганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқишга; ҳимоячига эга бўлишга; суд муҳокамасида қатнашишга; рад қилишга; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ишини юритишни бошлаш ва суд-психиатрия экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарорни эълон қилганда мазкур шахсга ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқларини тушунтириб беради. Ҳуқуқлар тушунтирилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

Мазкур шахс алоҳида тергов ва суд ҳаракатларини юритиш вақтида Жиноят-процессуал Кодексдаги айбланувчи ва судланувчилар учун белгиланган ҳуқуқларга ҳам эга.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 571-моддасида ҳимоячининг иштироки қафолатланган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишда суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш ҳақида қарор чиқарилган вақтдан бошлаб ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Ишга киришган вақтдан бошлаб ҳимоячи, башарти ҳимояси остидаги шахснинг соғлиғи ҳалал бермаса, у билан ҳоли учрашишга ҳақли, шунингдек жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасида назарда тутилган бошқа барча ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

Суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижрога юборишдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки суд у билан ҳимоячини таништириши ва унинг куйидаги ҳуқуқларини таъминлаши зарур: тайинланган экспертни ёки умуман экспертиза муассасасини рад қилиш; муайян шахсни эксперт қилиб тайинлашни илтимос қилиш; экспертнинг олдига қўшимча саволлар қўйиш; экспертиза ўтказилаётганда қатнашиш учун рухсат сўраш. Суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳимоячининг илтимосномасини, башарти асослар бўлса, қондиради ва экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримга тегишли қўшимчалар ва ўзгартишлар киритади.

Агар суд-психиатрия экспертизасининг хулосасига кўра, ҳимоя остидаги шахс руҳий ҳолатининг бузилиши жиноят содир этилгандан сўнг юзага келган ёки у ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этган бўлса ёхуд унинг ақли расолигини истисно этмайдиган, бироқ руҳий ҳолати ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини мустақил амалга оширишини қийинлаштирадиган тарзда бузилган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳимоячининг ишда иштирок этиши шартлиги ҳақидаги қоида амал қилишда давом



этади.

Кейинчалик суд-психиатрия экспертизасининг хулосаси асосида шахс акли расо ва рухий соғлом деб топилса, ишда химоячининг иштироки масаласи умумий тартибда ҳал қилинади.

Суд мажлисида прокурор ва химоячи иштирок этиши шарт.

Суд тергови прокурорнинг ишни судга ошириш тўғрисидаги қарорни ўқиб эшиттиришидан бошланади. Шундан сўнг суд тарафларнинг иштирокида тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш учун асослар мавжудлигини тасдиқлайдиган ёки рад этадиган далилларни текширади: сўроқ қилади, кўздан кечириш ўтказди, ҳужжатларни ўқиб эшиттиради, экспертларни тинглайди, ҳақиқатга эришиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасига ўтади. Музокарада прокурор, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этадилар. Музокаранинг охирида химоячи сўзга чиқади. Охириги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳам унга берилади. Химоячидан музокара нутқида далиллар мақбулигини исботлаши ёки эътироз билдириши, химоясидаги шахс манфаатлари учун таъсирчан нутқ сўзлаши лозим. Бунинг учун адвокат ўз устида ишлаб профессионал касб кўникмаларини ва нотиклик санъатини эгаллаши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т: "Адолат" 2021 й. -96 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси <http://test.lex.uz/docs/111460>.
3. Advokatura. Darslik. Mualliflar jamoasi. - Toshkent: TDYU, 2019. -195 bet.
4. "Адвокатура тўғрисида" Қонун. <https://www.lex.uz/ru/docs/-54503>



ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТГА ОИД МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Зиядуллаев Махмуджон Джуракулович,
Юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
E-mail: maxmud1970@rambler.ru

Аннотация: ушбу тезисда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатлар жумладан пенсия соҳасидаги ўзгаришлар, пенсионерларга яратилаётган қулайликлар ёритилган.

Шунингдек, пенсия тайинлашда талаб қилинган ҳужжатларни соддалаштирилганлиги, ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда онлайн ҳужжатлар топшириш, тайинланган пенсияларни қайта ҳисоблаш механизмлари баён қилинган.

Калит сўзлари: пенсия, ижтимоий ҳимоя, тайинлаш, яшаш-жойи, пенсия миқдори, нафақа.

Мамлакатимизда сўнги йилларда пенсия таъминот тизимини ислоҳ қилиш борасида дастурий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш фаоллигини оширишни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш” бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган бўлиб [1], улар қаторида миллий пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш бўйича давлат хизмати сифатини ошириш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари манзиллигини ва самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимизда туб ислохатлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 13 октябрда “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 592-сон қарори билан давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиблари бўйича бир қанча ўзгаришлар ва янгиликлар жорий қилинди.[2]

Хусусан;

Пенсия таъминотига оид бир қанча тушунчаларга таърифлар берилган. Эндиликда яшаш жойи деганда нафақат турар жой, квартира, хизмат турар жойи, ихтисослаштирилган уйлар (ётоқхона, пансионат, ёлғиз кексалар учун махсус уй, ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар учун интернат уй ва бошқалар), балки пенсия учун мурожаат қилган жисмоний шахс ижарага олиш шартномаси (иккиламчи ижара), ижара шартномаси ёхуд қонунчиликда назарда тутилган бошқа асослар бўйича мулкдор сифатида доимий яшайдиган (доимий рўйхатдан ўтган) бошқа турар жой, доимий яшаш жойи мавжуд бўлмаган (доимий рўйхатдан ўтмаган) тақдирда — вақтинча яшаш (вақтинча рўйхатдан ўтиш) жойи ҳам тушунилади.

Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этишда ташкилот маъмурияти ҳар йили декабрь ойида шахсий варақчалар ва меҳнат дафтарчалари асосида кейинги йилда ҳам умумий, ҳам имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладиган ходимлар рўйхатини тузадилар ва тўпланган барча ҳужжатлар асосида пенсия тайинлаш учун тақдимномани расмийлаштиради ва бугунги кунда замон талаблари асосида Ягона миллий меҳнат тизими идоралараро дастурий-аппарат комплекси («ЯММТ» ИДАК) орқали пенсионер яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этиши белгиланган.

Агарда манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш (қайта ҳисоблаш, тиклаш, пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказиш) тўғрисидаги ариза бевосита манзил-колония жойлашган ердаги Пенсия жамғармаси бўлимига берилиши назарда тутилган.

Аризаларни замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда шахс пенсия тайинлаш тўғрисида Пенсия жамғармасининг бўлимига бевосита ташриф буюриши ёки электрон почта орқали мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шахснинг юборган аризаси Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилади.



Аризага барча зарур ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда Пенсия жамғармаси бўлими қўшимча яна қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозимлигини ташкилот маъмуриятига ёки ариза берувчига 5 кунлик муддатда ёзма равишда ёки ариза берувчининг мобил телефон рақамига «СМС» хабарномани юборган ҳолда маълум қилади. Агар улар қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши лозимлиги тўғрисида хабарнома олинган кундан бошлаб уч ойдан кечикмай тақдим этилса, пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза қабул қилинган кун пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинган кун ҳисобланади.

Ушбу қарор билан пенсияни ҳисоблаш тартиблари янада такомиллаштирилди. Шахснинг иш стажы ва иш ҳақи «ЯММТ» ИДАК ва бошқа ахборот тизимларидаги мавжуд маълумотлар асосида тасдиқланиши белгиланди.

Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома шахсий ҳисоб рақамлари ва ҳисобланган иш ҳақи тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар асосида пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган ёки вафот этган боқувчи учун у ишлаган ташкилот томонидан берилади. Агар ташкилот тугатилган ёки бошқа сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган бўлса, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома ташкилотнинг ҳуқуқий вориси ёки давлат архиви томонидан берилади.

Фуқаролар пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш учун асос пайдо бўлган тақдирда пенсиянинг тайинланган тури миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиш учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлиб хизмат қилади.

Мисол учун пенсионер томонидан пенсия ҳужжатлар йиғмажилдида мавжуд бўлмаган ва пенсия миқдorigа таъсир кўрсатадиган қўшимча ҳужжатлар тақдим этилсалар, агар ногиронлиги бўлса ногиронлик гуруҳининг ўзгариши билан, шунингдек боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оила аъзолари сонининг ўзгариши билан қайта ҳисоблашга ҳуқуқ пайдо бўлади. Агар устама ҳақ олиш ҳуқуқи бўлса тегишли ҳужжатларни тақдим этган тақдирда бундан ташқари қонунчиликка мувофиқ пенсияни ҳисоблаш тартиби ўзгарганда, пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг ва пенсия ишини текшириш натижасида пенсия миқдорининг ошиши ёки камайишига олиб келса қайта ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 13 октябрда “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 592-сон қарори.

3. Зиядуллаев, М. (2021). Сильная социальная защита требование времени. Общество и инновации, 2(5), 64-68.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДҚИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000